2010 йил 19 март, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 53—54 (11.614—11.615) Баҳоси эркин нархда

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоевнинг

# ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таклифига биноан 2010 йил 16-17 март кунлари Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, Марказий Осиё минтақасидаги ва унинг атрофидаги вазиятни, шунингдек, ўзаро қизиқиш уйғотадиган долзарб халқаро муаммоларни ҳар томонлама муҳокама қилиб, давлатлараро мулоқотнинг эришилган даражасидан мамнун эканликларини изҳор этиб ва миллий манфаатлар ва ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга икки томон ҳам интилаётганини тасдиқлаб, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома қоидаларига амал қилиб, икки мамлакат халқларининг тарихий ва маданий муштараклигидан келиб чиқиб, қуйидагиларни баён қиладилар:

1. Давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида олий даражадаги мулоқотни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга, икки томонлама ва кўп томонлама хусусиятга эга бўлган долзарб масалалар бўйича очиқ фикр алмашишга, икки давлат халқларининг туб манфаатларига мос келадиган, Марказий Осиё минтақасини барқарор ривожлантириш ҳамда халқаро ва минтақавий барқарорликнинг муҳим омили ҳисобланган йўналишларни биргаликда белгилашга ва самарали ҳамкорликка муҳим аҳамият қаратадилар.

2. Президентлар икки томонлама ҳамкорлик ва Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини изчил амалга ошириш механизмларини ривожлантиришда икки давлатнинг интилишларини таъкидлайдилар.

3. Томонлар икки томонлама савдо соҳасида ижобий тенденция мавжудлигини қайд этиб, ўзаро инвестицияларни ва банклараро алоқаларни рағбатлантириш, шунингдек, транзит ва транзит коммуникацияларини ривожлантириш борасида самарали ҳамкорликни таъминлаш орқали энг қулай шароитлар яратиб беришда кўмаклашиш ниятида эканликларини баён қиладилар.

Томонлар Туркманистон — Ўзбекистон-Қозоғистон — Хитой газ магистралининг қурилиши ва ишга туширилишини минтақа мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлигининг янги йўналиши очилиши ва анъанавий яхши қўшничилик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришга хизмат қиладиган минтақавий ҳамкорликнинг муваффақиятли мисоли сифатида қайд этадилар.

4. Томонлар миллий хавфсизлик манфаатларидан келиб чиқиб, минтақада барқарорликни таъминлаш масалаларига муҳим аҳамият бериб, тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида икки ва кўп томонлама асосда халқаро терроризмга, сиёсий, диний ва бошқа турдаги экстремизмга, наркотрафикка, трансмиллий уюшган жиноятчиликка, ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва нолегал миграцияга қарши курашишда ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёрлигини тасдиқлайдилар.

Ушбу мақсадларда Ўзбекистон ва Қозоғистон тегишли тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар, бунга минтақада барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича махсус дастурлар, шу жумладан, БМТ Хавфсизлик кенгаши Аксилтеррор қўмитаси, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ва МДҲ Аксилтеррор маркази доирасидаги дастурлар киради.

5. Томонлар Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатиш ва вазиятни барқарорлаштириш муҳимлигини тасдиқлайдилар. Минтақада жойлашган мамлакатлар ва халқаро тузилмалар иштирокида Афғонистон масалалари бўйича музокара жараёнларини фаоллаштиришга мўлжалланган самарали механизмлар яратиш борасидаги ташаббусларнинг аҳамияти муҳимлигини қайд қиладилар.

6. Томонлар минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, кенг кўламли иқтисодий лойиҳаларни, шу жумладан, транспорт-коммуникация тизими соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш воситаси сифатида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг салоҳиятини юксалтириш ва мустаҳкамлаш масалаларига ёндашувлари ўхшашлигини таъкидлайдилар.

Томонлар ШҲТ фаолиятининг устувор йўналишлари самарадорлигини ошириш масалалари бўйича икки томонлама ҳамкорлик ушбу Ташкилот ишини фаоллаштиришга ва халқаро нуфузини оширишга ижобий таъсир кўрсатади, деган фикрдан келиб чиқадилар.

7. Президентлар Марказий Осиёда сув-энергетика масалаларини муҳокама қилдилар ва бу соҳадаги муаммоларни, шу жумладан, трансчегаравий дарёларда янги гидроэнергетик иншоотлар қуриш масалаларини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ ва минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Томонлар минтақадаги барча давлатлар экологик ва техноген хавфсизликни таъминлашни, шунингдек, трансчегаравий таъсир этадиган янги гидроэнергетик иншоотларни қуришда сув оқимларининг ҳажми ва режимини сақлаш масалаларини мустақил халқаро экспертиза ўтказиш асосида келишиб олишлари зарурлигини таъкидлайдилар.

8. Давлатлар раҳбарлари гуманитар соҳада, шу жумладан, маданият, илм-фан, таълим, ахборот соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишда, жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда, маданият-ахборот марказлари фаолиятини рағбатлантиришда ҳамкорликнинг аҳамияти муҳимлигини қайд қиладилар.

9. Президентлар бўлиб ўтган самарали музокаралар, шунингдек, ташриф давомида имзоланган муҳим икки томонлама ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ўрнатилган анъанавий дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашишига ишонч билдирадилар.

10. Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга, бутун Ўзбекистон халқига Қозоғистон делегациясига кўрсатилган самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ўзи учун қулай вақтда Қозоғистонга ташриф буюришга таклиф қилди. Ташриф муддати дипломатик каналлар орқали келишилади.

**И.А.КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Н.А.НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 17 март*





## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

## НАВРЎЗ: ЭЗГУЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК АЙЁМИ!





**Миллий қадриятларимиз гултожи саналмиш Наврўз айёми қалбларимизни қувончга тўлдириб ўлкамиз узра кезмоқда.**

Наврўзни соғиниб кутмаган киши бўлмаса керак. Кўнгилларни мунаввар этиб, инсонийлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-мурувват, саховат ва бирдамлик сингари эзгуликлар сари ундовчи бу умрибоқий байрамнинг қадами қутлуғ келсин, дея ният қиламиз албатта.

Она диёримизга фусункор ва гўзал баҳор ўз сепини ёйган. Атроф гулу чечаклар, кўм-кўк майсалар билан безанган. Баҳор юртимизнинг ҳар бир гўшасига Наврўзни, меҳр-оқибатни олиб келди. Яшариш, яшнатиш, янгиланиш, нафосат ва гўзаллик байрами Наврўзни нуроний отахону онахонлар, қалби қайноқ ёшлар, жажжи болажонлардан тортиб, барча-барча хурсандчилик билан қарши олмоқда. Байрамлар ичида энг севимли, қадрли ва қадимийларидан бири Наврўз мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида катта шодиёна билан нишонланиб келмоқда. Байрам олдидан шаҳару қишлоқлар, маҳаллаларда ҳашарлар ўтказилиб, ободончилик, тозалик, дарахт ва гуллар ўтқазиш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Маҳаллаларда катта дошқозонларда Наврўз таомлари — сумалагу ҳалимлар, кўк сомсаю чучваралар тайёрлаб, байрам дастурхонига тортилмоқда. Айниқса сумалакнинг тотли таъми ёшу кексанинг кўнглига хуш ёқмоқда. Шодиёна байрам нашидаси барчанинг кўнглини мунаввар этмоқда. Байрам кунларида табаррук ёшга етган нуронийлар, ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиш, совға-саломлар билан қутлаш каби миллатимизга хос эзгу фазилатларимиз, урф-одатларимиз ёрқин намоён бўлмоқда. Бундай хайру саховатдан кексаларнинг кўнгли шод. Пиру бадавлатларимиз Наврўзга етказганига шукроналар айтиб, юртимизга тинчлик, барчага омонлик тилаётирлар. Ҳар бир гўшада карнай-сурнай наволари янграб, каттаю кичикни Наврўз шодиёналарига чорламоқда.

Қалбимизни қувончу шодликка тўлдириб, ҳар биримизга янги куч, янгича ғайрат-шижоат бахш этаётган, эзгуликлар сари ундаётган боқий байрамимизнинг қадами қутлуғ бўлсин. Юртимизда, маҳаллаларимизда, хонадонларимизда Наврўз шодиёналаридан кўнгиллар яйрасин, қувноқ куй-қўшиқлар жаранги оламни тутсин.

Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўз!

**Дилором ИКРОМОВА**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейида «Аждодларимизга муносиб авлод бўлайлик» мавзуида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 616 йиллигига бағишланди.

✓ **БУГУН** Сергели туманидаги «Бахт диёр» гузарида Наврўз айёми муносабати билан туман ҳокимлиги томонидан жажжи фарзандларнинг суннат тўйлари ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника ҳамширалари иштирокида нафосат ва гўзаллик байрами Наврўз ҳамда Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилган кўрик-танлов «Балли, қизлар» деб номланди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги: амалиёт ва самарадорлик» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

● **Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида Ўзбекистон Республикаси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан ташкил этилган «Қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантиришда ёшлар салоҳиятидан фойдаланиш» мавзуидаги давра суҳбати ўтказилди.**

● **«Камолот» ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан «Ватанимни обод қиламан» шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан Наврўз байрами кунлари шу йўналишдаги танловларнинг «Энг озода оила», «Энг чиройли кўча», «Маҳалланинг энг фаол ёши» номинациялар бўйича ғолиблари аниқланди.**

● **Наманган вилоятида жорий йил пахта ҳосили учун чигит экиш юзасидан кўргазмали семинар ташкил этилди.**

● **«Сурхондарё Телеком» филиали ходимлари Наврўз байрами арафасида савоб ишга қўл урдилар. Улар яхши ният билан беш гектарлик боғ яратишди. Денов дендрарийсидан харид қилинган мевали дарахт кўчатлари Кўҳитанг тоғи этагига экилди.**

● **«Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИҲ томонидан ташкил қэтилган ушбу тадбирда асосий эътибор ёшларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини оширишга қаратилди.**

● **Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Маънавият тарғибот марказининг шаҳар бўлими ташаббуси билан лицейлар ва коллежлар ўқувчилари ўртасида «Гўзал ва камтар қизлар» танлови ташкил этилди.**

● **Қашқадарёдаги 1-вилоят касалхонаси вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантирилди. Ушбу тиббиёт муассасаси 411 кишига мўлжалланган бўлиб, бу ерда юрак қон-томир, кўкрак ва нейрожарроҳлик бўлимлари ташкил этилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда.**

### ЖАҲОНДА

● **Исроил ва Фаластин ўртасидаги муаммолар Москвада вазирлар даражасида ўтказиладиган Яқин Шарқ «тўртлиги» учрашувида ҳал этилиши кутилмоқда.**

● **Судан маъмурлари мамлакатда бош кўтарган жангарилар билан ўт очишни тўхтатиш юзасидан битим тузди.**

● **Исроилнинг Ғазо секторига авиазарба бериши натижасида икки киши яраланди.**

● **АҚШ ХАМАС гуруҳига қарши янги санкциялар белгилади.**

● **Кеча Грецияда мамлакатдаги солиқ тизими ислоҳотига қарши ўтказилаётган кенг кўламли иш ташлаш тадбирларига ёнилғи қуйиш шохобчалари ходимлари ва таксичилар ҳам қўшилди. Жумладан, кун давомида Афинада бирорта ҳам машиналарга ёнилғи қуйиш станцияси ишламади.**

● **Кеча жаҳон биржаларида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида нефть нархининг пасайганлиги кузатилди.**

● **Олимлар Ойнинг шимолий қутбида кўплаб муз билан қопланган вулқон оғизларини топишди. Ҳиндистоннинг «Чандраян-1» зонди томонидан тўпланган материаллар ўрганилганидан сўнг ушбу янгилик кашф этилди.**

● **Буюк Британияда дунёдаги энг йирик дата-центр (маълумотлар маркази)лардан бири ишга тушди. Европада тенгсиз ҳисобланган бу марказ кичикроқ шаҳарчаникига тенг равишда электр энергиясини сарфлайди. Уэльснинг Юпорт шаҳрида жойлашган мазкур марказ 70 минг квадрат метр майдонни эгаллаган бўлиб, 19 мингтагача сервер ўрнатиш имконини беради.**

● **Белоруссия ўз ҳудудида АЭС қуришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда яқин кунларда Россия ҳукумати билан шартнома имзоланиши кутиляпти. Маълумотларга кўра АЭСнинг биринчи энергоблоки 2016 йилда, иккинчи блоки эса 2018 йилда ишга тушади.**

## НАВРЎЗ: ЭЗГУЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК АЙЁМИ!

Маҳмуд ТОИРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

# ОФТОБ АРДОҒИДА КУЛАДИ ОЛАМ

Кўҳна оламга турфа ранг, турфа оҳанг, анвойи ифорлар бахш этиб Наврўз келди. Саболар беланчагида кулаётган майсаларда ҳаётга олқиш бор. Офтобнинг ардоғида дуога қўл очган момоларнинг кафтларидан заминга файзу барокат томади. Дарахтлар шохларида тугилган ғунчалар бўртиб бормоқда. Кафтдек ер юзида чучвара ясаб қуйиб турган баҳор ёмғири она заминдаги қишдан қолган ғуборларни, дилни таталаб турган армонларни ювиб кетишга қодир. Фақат бу гўзалликни кўра билиш ва шукрона айтиш лозим.

Наврўзни қадимдан байрам қилиб келган боболаримиз каромат қилмишлар: «Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди». Шундай бўлсин. Бугун бутун Ўзбекистон аҳли Наврўз шодиёнаси оғушида. Нуронийларимиз мустақил Ўзбекистонимизга тинчлик-омонлик тилаяпти. Жаннатмакон бу юртда фахр ва ифтихор билан истиқомат қилаётган жамики миллат ва элатларнинг вакилларига бунданда зиёда меҳр-оқибат сўрашяпти.

Аслида бу наъшу наъмодан каттаю кичик — ҳамма баҳраманд.

Баҳор тонгида боласининг қошида алла айтаётган онанинг овозига қулоқ тутинг. Бу оҳангда шабнамнинг тиниқлиги, майсанинг мулойимлиги маъволанади. Унинг чеҳрасида офтобнинг нури, ғунчанинг ибоси муҳайё.Улар она алласининг оҳангида боланинг вужудига кириб боряпти. Бу шунчаки алла эмас. Бу шукроналик қўшиғи. Ҳаётга, осойишта тонгга олқиш, юртнинг тинчлигини, қут-баракасини, обрў-эътиборини ҳимоя қилиб турган фидойи сарбонлар шаънига миннатдорчилик туйғусидир.

Яхши кунларнинг нурли тонгиданоқ ҳамманинг қалбини мусаффо ҳислар чулғаб олади. Умидвормизки, қутлуғ Наврўз тонгида Ўзбекистон осмони покиза ниятлардан энтикади, Ўзбекистон замини қувончларнинг кўридан роҳатланади. Зеро, жамоа бўлиб қилинган хуш ниятда хосият кўп.

Ҳурлигимизга,тинчлигимизга, диёримиздаги қут-баракага,меҳру оқибатимизга кўз тегмасин. Шода-шода гуллар тотли-тотли меваларга айлансин. Хонадонларимизни тандирларга ёқилган ўтнинг ҳарорати, янги ёпилган ноннинг муаттар иси, янги соғилган сутнинг шифобахш оқлиги тарк этмасин.

Наврўз таомлари... Нақадар ҳузурбахш, шифобахш, мазали... Момоси қўлидан олган сумалакни ялаётган қизчангизнинг кўзларига бир қаранг. Бобоси қўлидан олган ҳалимни тановул қилаётган ўғилчангизнинг нигоҳига бир боқинг. Меҳрдан кўзлари ёниб,янги узилган кўк сомсадан қўллари куйиб, пуф-пуфлаб, оламга ялпизлар атрини таратиб турган фарзандларингизга бир назар солинг. Наврўз таомларида улар она тупроқнинг исини туйяпти. Она замин ўз фарзандлари қалбига ўзининг инъомлари билан юрт меҳрини сингдиряпти. Не ажабким, эртага улар шу диёр қадрини машҳури олам — Темур боболаридек қароғида асраса. Не ажабки, эртага улар мустақил юртнинг фидойи қалқонлари, замонанинг Улуғбегу Бобурлари, Қодирий ва Чўлпонлари бўлиб камол топишса.

Наврўз — бу саховат ва мурувватга чорловчи қутлуғ кун. Зотан, мусулмон одам учун вожиб бўлган беш фарзнинг бири закот бермоқдир. Демак ўзидан ортганидан хайру эҳсон қилмоқ, етимесирларни, бева-бечораларнинг, ногиронларнинг муҳаббатларига сазовор бўлмоқ савобларнинг олийсидир.

Дунёда яхши сўздан тотли инъом, меҳрдан аъло эҳсон йўқ. Қалбида меҳри баҳор чечакларидек гуллаб турган инсон сўнги бурда нонини ҳам муҳтожлардан аямайди. Умрингизга, болачақангиз ҳаққига ортингиздан қилинган дуодан ортиқ мукофот борми? Келинг, азизлар, шу мукофот ҳаммамизга насиб этсин!

Бошингизни кўтаринг, қаранг! Осмонларга оппоқ тилаклардан из солиб турналар келяпти. Соғинчлари кўзларида дарё турналар. Улар кўҳна Туроннинг осмонларида учиб юрган армонлари эмасмикан? Улар турналар эмас, йўқ-йўқ. Шу мустақиллик, шу она диёр, она тил ҳурлиги орзусида турналарга айланган оппоқ тилаклардир. Бошингизни кўтаринг! Улар оппоқ қанотларидан дуолар тўкмоқда! Хуш келибсиз, ўз осмонингиз, ўз тупроғингизга! Наврўзингиз қутлуғ бўлсин, турналар!

Наврўз — бойчечакнинг кулгучида осилиб турган қуёшнинг қатраси. Наврўз — қалдирғочнинг қўшиғидан томиб турган муҳаббат. Қалдирғочнинг айвонингиз пештоқига қураётган нақшинкор уясида меҳнатнинг сурати бор. Наврўз — меҳнатнинг оҳанги.

Далаларга дон сочаётган бободеҳқоним, қўлларингиз дард кўрмагай. Ундирган буғдойларингизнинг бошоқларидан кузда барокат ёғилгай, қадаган ниҳолларингиз шохларидан кузда шарбатлар сочилгай.

**Офтоб ардоғида кулаётган**
**Ўзбекистоним!**
**Наврўз навосидан хушбахт**
**ватандошлар!**

Наврўз қалбларингизга солган қувончлар, улуғ истаклар, бокира ниятлар сизларни тарк этмасин!

**Тоғларининг бағрида қори**
**бўлса ҳам,**
**Аёзнинг айтажак зори бўлса ҳам,**
**Қарғаларнинг ҳали кори**
**бўлса ҳам,**
**Қишнинг бешигига беладди баҳор.**
**Наврўзни етаклаб келади баҳор.**

**Дарахтлар шохида кулар**
**куртаклар,**
**Ғунчалар лаб очар,**
**гулгун тилаклар,**
**Юлдузлар кўзидан тўкиб**
**эртаклар,**
**Қуёшнинг юзини силади баҳор,**
**Наврўзни етаклаб келади баҳор.**

**Севгининг муборак садоси бўлиб,**
**Булбулнинг айтажак**
**навоси бўлиб,**
**Ошиқ юракларнинг нидоси бўлиб,**
**Туташган кўзларда кулади баҳор,**
**Наврўзни етаклаб келади баҳор.**

**Туёқларин майса ўпган**
**тулпорлар,**
**Ой юзидан орзу терар бедорлар.**
**Кокил ташлар мажнунтоллар,**
**дилдорлар,**
**Ирмоқлар торини чалади баҳор,**
**Наврўзни етаклаб келади баҳор.**

**Сумалак сўрса ким момоларидан,**
**Гуллар тўкилади дуоларидан,**
**Қарз олиб қизларнинг**
**иболаридан,**
**Йигитларга умр тилади баҳор,**
**Наврўзни етаклаб келади баҳор.**

**Қайтган қалдирғочнинг**
**қароғида чўғ,**
**Болари гул қучса дудоғида чўғ,**
**Соғинган Маҳмуднинг**
**сўроғида чўғ,**
**Жисмимда жон бўлиб**
**елади баҳор,**
**Наврўзни етаклаб келади баҳор.**



# ХУШ КЕЛИБСАН, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

**Адир ва қирларни яшил бахмалга буркаб, дала ва майдонларга лоладан сирға, ўйинқароқ қизларнинг бошларига гуллардан чамбарак, тол баргакларидан соч попук тақиб, ўлкамиз узра ранг-баранг сепини ёйиб баҳор келди. Ўзи билан қуёшли кун, қалдирғочлар қанотида орзу ва умид, далалар узра таралган офтоб нурларида ризқ-рўз, кўкда учиб келаётган турналар арғамчасида қут-барака келтираётир.**

Баҳор ўз тароватни билан деҳқонлар қалбига жўшқинлик ва ғайрат бағишлайди, кучига куч қўшади. Ҳосилдор далаларга уруғ қадалади. Боғларимизга файз кириб, дарахт ва анвойи гуллар ўтқазилади. Эндигина яшил майсалар униб чиқаётган қирларга чўпонлар қўй-қўзиларини олиб чиқадилар. Ҳосилдор далаларимизни эса арпа, буғдой майсалари қоплайди. Буларнинг бари халқимизнинг ризқи, фарзандларимизнинг насибаси. Қўлларида чучмомалар тутган болажонлар боболари ва момолари ёнига ошиқадилар. «Омонлик-сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик» дея кексаларимиз нозиккина гулларни кўзларига суртадилар. Уларни кўриб шодланган набиралар қалблари қувончга тўлиб кўкка сакрайдилар.

Баҳор тозалик ва поклик фасли ҳамдир. Жамулжам бўлган халқимиз боғу роғ, кўча-кўй ва ариқ зовурларни тозалаш ишларини бошлаб юбордилар. Ҳашар элимизнинг азалий одатидир. Бу аждодларимиздан авлодларга ўтиб келаётган анъаналаримиздан ҳисобланади. Кун эрта тонгдан бошланганидек, йил ҳам баҳордан бошланади. Эрта баҳорда ундирилган буғдой майсаларидан тайёрланган сумалак янаги йил шу вақтгача танимизга куч-қувват бағишлайди. Маҳаллалару хонадонларда ҳалимлар тайёрланади, кўк сомсаю кўк чучваралар дастурхонларимизни безайди.

Баҳор ўзи билан эл-юртга қувонч ва шодлик олиб келмоқда. Халқимизнинг азалий ва абадий байрамларидан бўлмиш Наврўз эса шу фаслнинг кўрки, безагидир. Бугун юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида ана шу гўзаллик ва яшариш, янги йил, янги кун байрамини нишонлашга тайёргарлик ишлари бошланиб кетган.

Ўлкамизда Наврўз нафаси кезмоқда. Келинг, азизлар, Наврўзга пешвоз чиқайлик. Қиш фаслида толиққан таналар яйрасин, диллар қувонсин, кўнгиллар ором олсин, фарзандларимизнинг баҳорий қувончи оламни тутсин. Марҳабо, гўзаллик, яшариш, меҳр ва саховат байрами. Хуш келибсан ўлкамга, Наврўзи олам!

**Мирзааҳмад СОДИҚОВ**

## Байрам мушоираси

### СЕНИ СОҒИНДИМ, НАВРЎЗ!

*Бодом ғунчасида сени кўрган чоғ,*
*Танамдан кетаркан ғубору-ташвиш,*
*Яшил кўйлагини кия бошлар боғ,*
*Аста хайрлашар аёзбобо — қиш.*
*Келақол Наврўзим, келақол энди.*

*Ишқингда музни ҳам эритган чечак,*
*Сени соғинганин айтаркан кулиб.*
*Тезроқ чорламоқчун туйнугин очиб,*
*Чумолилар шошар, қолар югуриб,*
*Келақол Наврўзим, келақол энди.*

*Майсалар бўй чўзар —*
*табиат кўркам,*
*Болалар қувониб учирар варрак.*
*Дошқозон ичида биқирлаб қуйлар*
*Расминг чизиб олган тотли сумалак,*
*Келақол Наврўзим, келақол энди.*

*Уйқудан уйғониб, мудроқ дала, қир.*
*Оёғинг остига тўшар поёндоз.*
*Лолалар бағрида аллақандай сир,*
*Қизарган юзларла айтишаркан роз*
*Келақол Наврўзим, келақол энди.*

*Оқ қалпоғин ечиб кибор тоғлар ҳам,*
*Эгилиб пойингга қиларлар таъзим.*
*Қалдирғочлар учар арғимчоқ тизиб,*
*Болари қўшиғи тинмайди бир зум,*
*Келақол Наврўзим, келақол энди.*

*Замин ҳам эврилар —*
*кун-тун баробар,*
*Тенгликдан шодланар бобо Қуёш ҳам.*
*Юлдузлар тақарлар ёқут гулчамбар,*
*Яшариб кетади бу кўҳна олам,*
*Келақол Наврўзим, келақол энди!*

**Баҳром АКБАРОВ**

### ҚУТЛУҒ ШОДИЁНА

**Наврўз келиб чирой очди боғ-роғлар.**
**Наврўз билан гуллаб яшнар**
**тош-тоғлар.**
**Бу байрамнинг хосияти ўзгача,**
**Асл мақсад ҳам нияти ўзгача.**

**Юртимизда шодиёна, улкан тўй,**
**Янграмоқда қалбимизда қўшиқ-куй.**
**Унутилмас лаҳзалари зўр иқбол,**
**Наврўзимда шарафланар истиқбол.**

**Наврўзга кел, Наврўз билан омон бўл,**
**Кўкламда-чи курашга туш, полвон бўл.**

**Нафосат байрамидир, ўйна,**
**қувна кул,**
**Эзгуликка чоғлан, доим шодон бўл.**

**Наврўзимнинг кўкатлари табаррук,**
**Ҳар гиёҳи дармондори-табаррук.**
**Наврўзга кел, Наврўзга кел, Наврўзга,**
**Ялпизларин севиб сургин юз-кўзга.**

**Наврўзга кел, Наврўзга кел,**
**Наврўзга.**
**Шукрона айт, насибага, ризқ-рўзга.**

**Қамбар ОТА**

# УНИВЕРСИТЕТДА БАЙРАМ

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Юртимга барака олиб кел, Наврўзим!» мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Наврўз аҳиллик ва бирдамлик байрами. У барчани иноқлик, эзгулик ва бунёдкорликка, яхшиликка чорлайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Наврўз табиатнинг қудрати ва чексиз саховатининг, неча минг йиллик миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни мангу ифодаси эканлигини таъкидлаб ўтишди. Дарҳақиқат, Наврўз нафақат ўйин-кулгу, шодиёнаси билан балки моҳиятан инсонларни меҳр-оқибатга, эзгулик, саховат ва бағрикенгликка ундаши билан ҳам қадрлидир.

Байрам тадбирида фаол-жамоатчи профессор-ўқитувчилар ва ходимлар тақдирланди. Бундан ташқари, турли кўрик-танлов ва спорт мусобақалари ғолибларига мукофотлар топширилди. Хусусан, факультетлараро шеърхонлик, таом ва деворий газеталар танлови ғолиблари аниқланди. Миллий урф-одат ва қадриятларни келажак авлод учун сақлаб қолиш мақсадида рус, инглиз, қорақалпоқ, француз, ўзбек тилида ўтказилган "Алла" кўрик-танлови барчада катта қизиқиш уйғотди.

— Ушбу кўрик-танловлар ҳам баҳор байрами бўлмиш Наврўзнинг янада завқли ва кўтаринки ўтишида катта аҳамият касб этди, — дейди ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси "Алла" кўрик-танлови ғолиби Суқсур Юсупова. — Тинчлик ҳукмрон юртга байрамлар ярашади. Ушбу яшариш ва янгиланиш байрами айни кунларда республикамизнинг барча гўшаларида хурсандчилик билан нишонланаётгани табиий.

Шунингдек, байрам тадбирида "Энг маҳоратли раққоса" йўналишида В.Сазонова, "Жозибали раққоса" йўналишида Д.Мадраҳимова, "Мафтункор рақс" йўналишида Д.Исмоиловалар ғолиб деб топилди. Факультетлараро Наврўз байрамига бағишлаб ишланган деворий газеталар танловида халқаро муносабатлар факультети талабалари биринчи ўринни қўлга киритди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**18 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар.**

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов маъруза қилди. Маърузачи «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги амалдаги Қонун 2000 йилда қабул қилинганлигини таъкидлади. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган янги қоидалар киритилмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни экспертизадан ўтказиш масалаларига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини анча яхшилаш имконини беради. Қонун лойиҳасига кўра, ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, ижтимоий, илмий ва бошқа турдаги экспертизалар ўтказиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш чоғида қонун ҳужжатларининг аҳволини, уни қўллаш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш зарурлиги тўғрисидаги талаб белгилаб қўйилмоқда. Айрим моддалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замонда, маконда ва шахслар доираси бўйича амал қилишига бағишланган. Қонун лойиҳасида, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб топилиши, ўзгартиш ёки қўшимча киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари анча кўп бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўрсатилган рўйхати, ўзгартиш ва қўшимчалар мустақил ҳужжат билан расмийлаштирилиб, у норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан бир вақтда унинг ишлаб чиқувчиларига тақдим этилиши ҳақидаги қоидани ўз ичига олган алоҳида норма бор. Қонун лойиҳасининг махсус боби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этиш ва таъминлашга қаратилган.

Қонун лойиҳасининг барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этган муҳокамаси жараёнида мамлакатни модернизация қилишни қонунчилик йўли билан таъминлаш борасида парламент олдида турган вазифалар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш, қабул қилинган қонун ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш муҳимлиги таъкидланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда қўлланилиши устидан мониторингни такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Қонунчилик палатаси депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ҳужжатнинг асосий қоидаларини маъқуллаб ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни масъул қўмитага топширди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси О.Охунова тақдим этди. Қонун лойиҳаси вояга етмаганларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатининг олдини олиш, ёшлар ўртасида жиноятчилик билан боғлиқ вазиятни яхшилаш, ёш авлод тарбияси учун ота-оналар ва тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Унда вояга етмаганларни тунги вақтда ота-оналаридан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторанларга, кафеларга, барларга, клубларга, дискотекаларга, кинотеатрларга, компьютер залларига, Интернет тармоғига уланиш хизматлари кўрсатиш учун жиҳозланган биноларга, кўнгилочар тадбирлар ўтказиладиган бошқа биноларга киритганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш пайтида депутатлар ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар самарадорлигини ошириш, ёш авлодни миллий қадриятлар ва анъаналарни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу билан бирга таклиф этилаётган ҳуқуқий нормаларнинг амал қилиш соҳасини аниқлаштириш ва қонунни амалда қўллашнинг аниқ механизмини ишлаб чиқишга доир таклифлар билдирилди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, депутатлар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташевнинг маърузаси бўйича Қонунчилик палатаси «Пиротехника воситалари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Қонун лойиҳаси пиротехника воситалари муомаласини лицензиялаш жорий этилишини, уларнинг қонунга хилоф муомаласи учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилишини назарда тутади. Пиротехника воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш лицензияланиши керак.

Муҳокама пайтида депутатлар пиротехника воситалари муомаласи устидан самарали давлат назоратининг, фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишининг, жамоатчилик хавфсизлиги таъминланишининг муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар. Ҳужжатни умуман такомиллаштиришга қаратилган таклифларни инобатга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Б.Иминов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Мазкур ҳужжат хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимларининг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартишлар вафоти хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлган ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва янги никоҳга кирмаган беваларига энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида пенсияларига қўшимча олиш ҳуқуқини беради. Улар, шунингдек, олган даромадлари ва ўз мулкларидаги мол-мулк учун солиқ солишдан қисман озод қилинадилар.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида депутатлар таъкидладиларки, давлатимиз мустақил ривожланишининг дастлабки кунлариданоқ аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратмоқда. Бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётган энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини тасдиқлади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Х.Маматов томонидан тақдим этилган «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Ҳужжат аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги атамалар ва тушунчалар бир хилда талқин қилиниши зарурлиги муносабати билан ишлаб чиқилган. Жумладан, амалдаги Қонун матнида «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ аниқлаштирилиши зарур бўлган, умумий нутқ муомаласидан чиқиб кетган айрим таърифлар мавжуд.

Депутатлар томонидан муҳокама пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни масъул қўмитага топшириб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

(ЎзА)



Байрам дастурхонига

# ФАЙЗ БАҒИШЛАЙДИ

**Наврўзи олам шукуҳига янада кўтаринкилик бағишлашда байрам дастурхонининг ўзига хос тарзда безатилиши муҳим аҳамият касб этади. Кўклам таомлари қаторида турли ширинликлар, шарбату салқин ичимликлар ҳам бўлиши табиий, албатта.**

Бу борада ишлаб чиқарувчи корхоналар ва тадбиркорларнинг муносиб ҳиссаси бор. Улар ҳам барча қатори байрам шодиёнасига сифатли маҳсулотларни тортиқ этмоқда.

«Shox» савдо белгиси билан қандолат ҳамда гўшт маҳсулотлари тайёрлаётган «Shox Produkt» масъулияти чекланган жамиятининг изланишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мазкур корхона ўз фаолиятини 2007 йилда бошлаган бўлиб, бугунги кунда бу ерда 50 нафар малакали ишчи-хизматчи озиқ-овқат маҳсулотларини эл-юрт дастурхонига етказиб бериш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда. Германия, Россия, Словакия давлатларидан келтирилган замонавий технологик ускуналар муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Айни пайтда 40 турдан зиёд қандолат ҳамда 30 хилдан ортиқ гўшт маҳсулотлари тайёрлаяпмиз, — дейди менежер Назира Исроилова. — Маҳсулотларимиз турини бозор ва харидор талаб ҳамда эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кўпайтириб, дизайн ва қадоқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Ўтган йилда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ўтказилган танловда «Энг яхши қандолатчи» номинациясига сазовор бўлдик. Тўй тантаналари, байрам дастурхонлари учун ишлаб чиқараётган торт ва ширинликларимизга талаб катта. Наврўз шодиёналарига жуда кўплаб турдаги маҳсулотларимизни ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига тақдим этаяпмиз. Албатта, дастурхон файзига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Корхонада халқаро сифат сертификатига жавоб берадиган маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида жорий йилда Россиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар қувватини ишга солган ҳолда пишлоқ ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Шунинг баробарида маҳсулотларни сифати сақланган ҳолда харидорларга етказиб бериш учун фирма дўконларини кўпайтиришга ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳозирги пайтда Юнусобод ва Чилонзор туманларида фирма дўконлари фаолият кўрсатмоқда. Маҳсулотларни шартнома асосида савдо шохобчаларига ўз вақтида етказиб бериш учун тўртта автомашина хизмат кўрсатмоқда.

Харидорлар сафининг ортиши, буюртмаларнинг кўпайиши ишлаб чиқариш ҳажмини орттиришда, қўшимча ишчи ўринлари яратишда муҳим ўрин тутади. Баркамол авлод йилида корхонада ишчилар сафини яна 10-15 нафарга кенгайтириш, ёшлар учун қўшимча ишчи ўринлари яратиш режалаштирилган. Янги цехнинг ишга тушиши бу режанинг амалга ошишини таъминлайди. Умумхалқ байрами — Наврўзи олам арафасида жамоа аҳлининг қувончлари чексиз бўлди. Уларнинг астойдил изланишлари, ташаббус кўрсатишлари яхши самара берди. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2010» кўрик-танловининг Юнусобод тумани босқичида «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номини қўлга киритган корхона пойтахт босқичида муваффақиятли иштирок этиб, тадбиркорлик йўналиши бўйича фахрли учинчи ўрин соҳиби бўлди. Излаган имкон топади, деб бежизга айтилмайди-да.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: корхона маҳсулотлари сифати билан харидорини топмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

**Куни кеча шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида фаоллар иштирокида мамлакатимиз Президентининг 2009 йил якунлари ва 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган ҳукумат мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар бўйича давра суҳбати ўтказилди.**

Жамоат ташкилотларида

# ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

— Ўзбекистонда давлат қурилишининг бешта муҳим тамойили ҳаётда ўзининг афзаллигини исботлади ва жаҳон миқёсида ҳам катта тажриба сифатида эътироф этилди, — дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институти гуманитар фанлар кафедраси мудири Равшан Сангиров. — Молия соҳасидаги ўсиш суръати, солиқ тизимидаги соддалаштиришнинг муҳим жиҳатлари, корхоналарни модернизация қилиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнесни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини янада кенгайтириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги узоқни кўзлаб қилинаётган кенг қамровли улкан ишлар албатта ҳаётимизнинг фаровонлигига хизмат қилади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши мамлакатимизда ишлаб чиқилган дастур тажриба сифатида дунё миқёсида эътироф этилганлиги ҳам тадбирда алоҳида таъкидланди. Дарвоқе, давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» рисоласи мазмун-моҳиятини ўрганиш борасида касаба ташкилотлари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда мутахассислар иштирокида семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилаётир.

Айтиб ўтиш жоизки, мустақиллигимиз шарофати билан миллий қадриятларимиз тикланаётганлиги, ёш авлодни камол топтиришда касаба уюшмаларининг ҳам ўрни бор, албатта. Тадбирда бу ҳақда гап борар экан, касаба уюшмалари томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Чунончи, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот марказининг шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда ёз мавсумида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида фан, маданият, санъат намояндалари, таниқли спортчилар билан учрашувлар, спорт тадбирлари ўтказилди. 57 та болалар оромгоҳида 42 мингдан зиёд, шу жумладан Қорақалпоғистондан 2 минг нафар бола соғломлаштирилди. 21 та оромгоҳда 26 мингдан зиёд ўғил-қизлар, мактаблар қошидаги 36 та кундузги оромгоҳда — 14 мингга яқин ўқувчи дам олди.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандларига, касаба уюшмаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти болалар-ўсмирлар мактаблар, коллежлар ўқувчиларига, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига имтиёзли тарзда йўлланмалар берилди.

Ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш мақсадида олимлар иштирокида учрашувлар ташкил этилиб, юртимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштирилмоқда.

Тадбирда касаба уюшмалари тизимида Баркамол авлод йилида амалга ошириладиган вазифалар ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

Иқтисодиёт

# ДИЗАЙНИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

**Бунёд этилаётган ва қайта таъмирланаётган бино ҳамда иншоотлар кўркини оширишда, мустаҳкамлигини таъминлашда замонавий қурилиш ашёларининг ўрни алоҳидадир.**

Бугунги кунда илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда тайёрланаётган алюмин ва пластик эшик-ромлар ва витражлар ана шундай қурилиш ашёлари сирасига киради. Энг асосийси бу маҳсулотлар ҳар жиҳатдан харидор талабини қондирмоқда.

«Crustal-Akfa» хусусий корхонаси жорий йилда 12 нафар мутахассисни бирлаштириб иш бошлади.

— Мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани сафларимиз ортишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди корхона директори Ботир Абдуллаев. — Биз ҳам бундай имкониятдан самарали фойдаланиб, бугунги кунда зарур ва талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдик. Туркиядан технологик ускуналар келтириб, цехларимизни жиҳозладик, ишчиларнинг малакасини оширдик. Буюртмачи талабидан келиб чиқиб, 15 хил рангдаги пластик маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Корхонага хом ашё «Akfa» компаниясидан етказиб берилади. Харидор талаби ва диди асосида маҳсулот дизайнига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилдан ишчилар сафини ошириш ҳамда маҳсулотларни кредитга бериш ҳам режалаштирилган.

# ТАЛАБГА ЯРАША МАҲСУЛОТ

**Маҳсулот талабга яраша бўлса, бу корхона изланишлари ва янгилик сари интилишидан, замон билан ҳамнафас қадам ташлаётганидан далолатдир.**

Мамлакатимизда маҳаллийлаштириш дастури ижросига эътибор қаратилаётганлиги янги-янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга четдан келтириладиган товарлар ўрнини босадиган маҳсулот тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада «Temirchi» акциядорлик жамиятида ҳам салмоқли ишлар бажарилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Корхонада ёғ-мой тармоқлари учун технологик ускуна, жиҳоз ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жамият ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси таркибига кириб, асосан йирик корхоналар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

Ўтган йилларда корхона мутахассисларининг изланишлари ўз самарасини берди. БС биттер-сепаратори яратилди. Бундай ускуна илгари четдан келтириларди, ёғ-мой саноатида зарур ҳисобланади.

Яна бир эътиборли томони хусусида тўхталиш жоизки, биттер-сепараторларни тайёрлашда керакли бўлган барча бутловчи қисмлар корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, мини-технологик жиҳозлар ҳам тайёрланиб, тадбиркорларга қўл келмоқда. Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортмоқда, маҳсулот турлари кўпаймоқда. Бу бозор иқтисодиёти талаблари даражасида иш юритишнинг самарасидир.

# МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

**Маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотлар сифатининг талаблар даражасида бўлиши харидорларни жалб этишда ҳамда бозорда муҳим ўрин эгаллашда аҳамиятлидир.**

Бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Tadbir» масъулияти чекланган жамияти маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи кийим-кечаклар тайёрлашни мақсад қилган ва бу борадаги изланишларни давом эттирмоқда.

Аввалига 4-5 нафар тикувчи билан иш бошлаган корхонада бугунда 18 нафар малакали мутахассис меҳнат қилмоқдаки, уларнинг тажриба ва маҳорати кун сайин тайёрланаётган маҳсулот сифати ҳамда турлари ортиб бораётганида яққол аксини топмоқда.

— Мавсумга қараб, моделларни янгилаб борамиз, — дейди корхона директори Акмал Акбаров. — Асосан болалар, ўсмирлар, эркаклар учун устки трикотаж кийим-кечакларини тикамиз. Пойтахтимиздаги бозорлар, савдо шохобчаларига шартномага кўра товарларимизни етказиб бераяпмиз. Айниқса, ўтган йилда тайёрлаган футболка ва эркаклар учун кўйлакларнинг бозори чаққон бўлди. Бу йилда янги моделларни яратаяпмиз. Бичувчи ва тикувчиларимиз Япония ва Россиянинг замонавий дастгоҳлари қувватидан унумли фойдаланишмоқда.

Ҳозирда корхонани кенгайтириш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бунинг учун, албатта юксак унумли хорижий дастгоҳлар олинади, асосан ёш мутахассислар учун янги иш ўринлари яратилади.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

Қарор ва ижро

# ЭНГ НАМУНАЛИ ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ СТАНЦИЯСИ

**Инсон манфаатларини муҳофазалаш, халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини мунтазам ошириб бориш Президентимиз Ислом Каримов томонидан юритилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан. 1998 йилда ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури бунда муҳим омил бўлмоқда.**

Мазкур давлат дастурида белгиланган вазифалар изчил ижро этилиши натижасида тиббиётнинг барча бўғинларида туб ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, аҳолининг барча қатламини қамраб олишга мўлжалланган, узлуксиз фаолият юритадиган, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига асос солинди.

Ҳозирги кунда халқимизга ушбу йўналишда хизмат кўрсатаётган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг жойларда ўн уч минтақавий, бир юз етмиш уч туман ва шаҳар бўлими ишлаб турибди. Бундан ташқари, вилоятлардаги 194 тез тиббий ёрдам станцияси ва бир ярим мингга яқин тез тиббий ёрдам бригадалари ҳам мазкур тизим таркибида фаолият юритмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 21 майда қабул қилинган "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ушбу шифо масканларининг моддий-техник салоҳиятини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган шошилинч тиббий ёрдам хизмати кўламини кенгайтириш, халқимизнинг саломатлигини муҳофазалашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган қисқа давр ичида мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг жойлардаги филиаллари ва тез тиббий ёрдам станцияларига юздан зиёд "Хундай", уч юздан кўпроқ "Дамас-амбуланс" русумидаги реанимамобел ва махсус автотранспортлар етказиб берилди.

Соҳада фаолият юритаётган шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, диагностика ва даволаш жараёнида замонавий тиббий технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, тез тиббий ёрдам автотранспорти паркида ишни ташкил этиш жараёнларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, шифокорларнинг касб маҳоратини мунтазам ошириб бориш ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш, аҳолига кўрсатилаётган шошилинч ва тез тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш мақсадида "Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси", "Тез тиббий ёрдам соҳасининг энг малакали шифокори", "Энг интизомли ва моҳир ҳайдовчи", "Касбига бўлган садоқати учун" каби номинациялар бўйича танлов ўтказилди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов инсон саломатлиги ва манфаатларини муҳофазалаш, халқимизнинг турмуш даражасини мунтазам ошириш давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тиббиёт тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этишини алоҳида таъкидлади.

Бу борада тегишли давлат дастурларида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, эл саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзандлар туғилиши ва камолга етишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Жумладан, шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига халқимизнинг ишонч ва эътибори мустаҳкамланаётир.

Навоий шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси халқимизга ана шу йўналишда малакали хизмат кўрсатиб келаётган шифо масканларидан биридир. Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини узлуксиз такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор туфайли унинг ҳам моддий-техника базаси яхшиланиб, автотранспорт парки янгиланмоқда. Яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган шифокорлар бир йилда эллик мингга яқин чақирувга ўз вақтида етиб бориб, зарур тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Жамоанинг бу борадаги фаоллиги алоҳида эътироф этилиб, "Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди ва "Дамас" машинаси билан тақдирланди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиалининг 2-тез тиббий ёрдам станцияси ва Фарғона шаҳар тез тиббий ёрдам станциялари иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди.

Шунингдек, "Тез тиббий ёрдам соҳасининг энг малакали шифокори", "Энг интизомли ва моҳир ҳайдовчи", "Касбига бўлган садоқати учун" номинациялари ғолиблари ҳам тақдирланди.

**Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири**

2010 йил — Баркамол авлод йили

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

**Ёш рассомлар деганда, кўпинча ижоднинг сеҳрли оламига кириб келган ва ўз истеъдодини санъат соҳасида намоён этиш бахтига муяссар бўлиб келаётган шогирдлар назарда тутилади.**

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети санъат факультетида ҳам шундай иқтидорли талабалар кўп. Улардан бири Муниса Шокаримовадир. У ўзининг билими, хулқи билан тенгдошлари орасида етакчилик қилиб келаётган талабалардан ҳисобланади.

Муниса Республика дизайн коллежининг бадиий либослар лойиҳалаш бўлимида таҳсил олган. 2007 йили республика миқёсида ўтказилган «Тасвирий ва амалий санъат» кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб, грант асосида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг талабаси бўлди. Айни пайтда Муниса барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиб, мунтазам равишда талабаларнинг илмий-назарий анжуманларида фаол иштирок этиб келмоқда. Тасвирий санъат мавзусида мақолалар ёзиш билан ҳам шуғулланади.

— Мен нафақат ўқув-машқ ишларини, балки ижодий йўналишдаги тасвирий санъат намуналарини ҳам яратишга ҳаракат қиламан, — дейди Муниса. — Қизиқишим мактабда ўқиб юрганимда Республика болалар ва ўқувчилар саройидаги «Ёш рассомлар» студиясига қатнашган пайтимдан бошланган. Тасвирий санъатнинг барча жанрларида ишлаб кўриш ниятим бор. Бу борада устозларим билимларини аямай, сабоқ бермоқда. Уларнинг ишончини оқлашга ва муносиб шогирд бўлишга интилмоқдаман.

Биламизки, бирор касбни эгаллашга астойдил интилган албатта ўз мақсадига етади. Муниса ҳам орзуларининг бир қисми сифатида бакалавриатни битиргач, магистратурада ҳам таълим олиш нияти бор эканлигини айтди. Биз унинг эзгу мақсадларига етишига ишонамиз.

**Баҳром ТОЖИЕВ**



**СУРАТДА: Муниса Шокаримова чизган рангтасвирлардан намуна**













# БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

**Наврўз — яшариш рамзи, табиат инъом этган қутлуғ айём юртимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.**

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, «Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатнинг, шу билан бирга неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси тасдиғидир».

Наврўз — муҳаббат, севги, садоқат, меҳр-оқибат, дўстлик, тансиҳатлик байрамидир. Шундай ажойиб байрам муносабати билан катта-катта майдонларда сайиллар, ўйин-кулги, аскиябозлик, кураш, кўпкари каби кўплаб тадбирлар уюштирилади. Буларнинг бари байрамга янада кўтаринки руҳ бахш этади. Яна Наврўзнинг ўзига хос бир жиҳати шундаки, турли хил таомлар, ширинликлар, сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара, дўлма, бўғирсоқлар тайёрлаб, байрам дастурхони безатилади.

Байрам тантаналари республикамизнинг ҳар бир гўшасида, маҳаллаю қишлоқларда, корхона-ташкилотларда, ўқув масканларида ўтказилмоқда.

— Ўзбекистон Миллий университетида ҳам ушбу айёмга катта тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди мазкур олий ўқув даргоҳи маънавият ва маърифат маркази раҳбари Қодир Абдураҳимов. — Наврўз байрами бир неча кун давом этиб, талабалар турар жойларида сумалак сайиллари, спорт мусобақалари, баҳорий таомлар ва деворий газеталар кўриги, шунингдек, «Латофатли қизлар» танлови ҳамда миллий ўйинлар бўлиб ўтади. Бундан ташқари, университетимизнинг барча факультетлари бадиий жамоалари ва таниқли санъаткорлар иштирокида алоҳида байрам концерти ҳам уюштирилиши кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, ҳамма орзиқиб кутаётган Наврўз мана шундай файзли айёмдир. Кўнгилларимиз, дилларимиз ҳам пок ниятлар ила ҳар доим хотиржамликка, эзгуликка ундайверади. Наврўз барчамизга муборак бўлсин.

**Шаҳло ХОЛДОРОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси.**

**«7-АВТОКОРХОНА» ОАЖ ЖАМОАСИ**

*барча юртдошларимиз, соҳа ходимларини баҳор, бахт, шодлик байрами —*

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан табриклайди.
Дастурхонингиздан файз-барака аримасин.
Ҳамма ўйлаган эзгу ниятларингиз ижобат бўлишига тилакдошмиз.



**ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

қадрли юртдошларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини ўлкамизга файзу барокат ила кириб келаётган улуғ айём —

## НАВРЎЗ БАЙРАМИ

билан чин юракдан муборакбод этади.
Сизларга бахт-саодат, омад ва ҳамиша яхши кайфият ёр бўлсин.
Она Ватанимиз бундан-да гуллаб-яшнасин, кўнгилларимизни фахру ғururга тўлдираверсин.

*Баҳор ва гўзаллик байрами муборак бўлсин, азизлар!*



**ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ**

азим пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларини, соҳа ходимларини ўлкамизга қут-барака, тўкин-сочинлик олиб келаётган эзгулик, яшариш ва янгиланиш рамзи — Наврўзи олам шодиёналари билан қизғин қутлайди.

Ҳаммангизга баҳорий кайфият, узоқ умр, бахт-саодат ёр бўлсин.
Осмонимиз мусаффо, заминимиз мўл-кўл,
дилларимиз шод, кўнгилларимиз обод бўлсин, азизлар!

## ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР, АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

**Ўлкамизга файзу барокат ила кириб келаётган улуғ айём —**

## Наврўз байрами барчангизга муборак бўлсин!

Ҳамиша соғлиғингиз мустаҳкам, узоғингиз яқин бўлишига тилакдошмиз. Йил бўйи байрам шукуҳи дилларингизга ҳамроҳ бўлсин.




**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»**
**ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ХАЛҚИМИЗ УЗОҒИНИ ЯҚИН, ДИЛЛАРИНИ ШОД АЙЛАЁТГАН СОҲА ХОДИМЛАРИ!**
**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ ҲАРАКАТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ЖАМОАСИ**

*барчангизни нафосату эзгуликка тўлиқ, яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш*

## Наврўзи олам

*байрами билан энг самимий тилакларни изҳор этган ҳолда муборакбод этади.
Фарахбахш кунларда бахт ва омад, тинчлик-хотиржамлик, хуш кайфият Сизларни асло тарк этмасин.*

Ҳамшаҳарларимизга лицензияланган автотранспорт воситаларида намунали транспорт хизмати кўрсатишни ўз бурчимиз деб билган ҳолда, ушбу фаолият билан шуғулланмоқчи ҳамда шаҳар транспорти ишининг сифатини яхшилаш бўйича таклиф киритмоқчи бўлсангиз, департаментга қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз: 233-48-16, 233-39-62, 233-38-89.

**«ЯНГИОБОД ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОЗОРИ» ОАЖ ЖАМОАСИ**

*барча ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини гўзал айём —*

## Наврўз байрами

*билан чин юракдан муборакбод этади.
Доимо соғ-омон бўлинг, азизлар!*



## «ТОШАВТОБУСТРАНС» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

азим пойтахт аҳлини ва меҳмонларини
янгиланиш, яшариш, эзгулик, нафосат байрами —

**НАВРЎЗИ ОЛАМ**
билан

самимий муборакбод этади.
Ушбу баҳорий байрам хонадонларингизга шодлик,
файз-барака, сиҳат-саломатлик олиб келсин, азизлар!
Дилларингиз шод, йўлларингиз нурафшон бўлсин.



## «Agro-Don Sanoat»
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

азиз ҳамшаҳарларимизни яшариш, янгиланиш ва эзгулик айёми бўлмиш Наврўзи олам билан чин юракдан муборакбод этади.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз доимо тўкин бўлсин.
Ҳар бир хонадондан файзу барака аримасин.

## Кириб келаётган
# Наврўз
айёмингиз муборак бўлсин, азиз ҳамшаҳарлар!

Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизни қут-барака,
қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.

**«18 - АВТОКОРХОНА» ОАЖ ЖАМОАСИ**

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Дилимизда эзгу тилаклар билан
барчангизни меҳр-мурувват айёми,
яшариш ва янгиланиш рамзи —
Наврўз байрами билан қутлаймиз.

Муваффақият ва омад сизларни
асло тарк этмасин!

**«ПОЙТАХТ НАВРЎЗ ТАОМ САВДО»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

## ОАЖ «ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ЖАМОАСИ
азим пойтахтимиз аҳли
ва меҳмонларини яшариш
ва янгиланиш байрами

**Наврўзи олам**



билан табриклайди.
Хуш кайфият сизларга ҳамиша ёр бўлсин.

## «ELIT POLIMER» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ
азиз ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига меҳр-оқибат айёми —

# НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан чин дилдан муборакбод этади.
Барчангизнинг ишларингиз бароридан келиб,
байрам шукуҳи тўла хонадонларингиздан қут-барака аримасин.
Янги кун йил бўйи муваффақиятларнинг гарови бўлиб,
эзгу ниятлар рўёбга чиқсин!



Маҳсулот сертификатланган

## ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ПЕДАГОГИК ЖАМОАСИ

Азиз ҳамшаҳарларимизни

# Наврўз
умумхалқ байрами билан
самимий муборакбод этади!

Аниқ, табиий ва хорижий фанлар йўналишларига ихтисослашган бизнинг лицейга кимё, нефть ва газни қайта ишлаш, камёб ва нодир металлар, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг ҳамда тиббиёт соҳасининг юқори малакали мутахассислари бўлишни мақсад қилган ёшлар таклиф этилади.



Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 3-мавзе, 7.
Тел: 221-61-33, 224-88-55, 224-87-17

Хизматлар лицензияланган

## «КОНСАУДИТИНФОРМ»
АГЕНТЛИГИ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

жамиятимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган
азим пойтахтимиз барча меҳнаткашларини
файз-тароват ила кириб келаётган

**Наврўзи олам**

шодиёналари билан самимий қутлайди.
Азиз юртдошлар!
Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги
фаолиятингиз қувончли лаҳзаларга
зафарларга тўлиқ бўлсин.

Хизматлар лицензияланган







ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## Ҳурматли тошкентликлар!

Тошкент шаҳрида 2010-2011 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2010 йил 22 мартдан 2 апрелгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сувдан чегаралаган ҳолда, қувурлардан фойдаланишнинг гидравлик хусусиятларини аниқлаш бўйича иссиқлик тармоқларида синовлар ўтказилади.

2010 йил 2 апрелдан 22 апрелгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда иссиқлик тармоқларининг механик мустаҳкамлиги ва зичлигига (юқори босимга) синовлар ўтказилади.

**7-ИМ**

(1 апрель куни), **10-ИМ** (2 апрель куни), 5-ИМ (31 март куни) таъсир доираларида иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

**5-ИМ**

31 март куни - Чилонзор мавзеси 5—12, М, Г9а, 16—20А, 26 даҳалар, Дўмбиробод, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий-1,2 мавзелари, Заргарлик, Муқимий, Фарҳод, Чўпонота, С.Мираҳмедов, Кичик Ҳалқа йўли, Наққошлик, Новза Қозиробод, Катта Хирмонтепа кўчалари.

**7-ИМ**

1 апрель куни - Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Слоним, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Оҳангарон шоҳ кўчаси, Тузел - 1,2,3,4, УҚК-1, Слоним-1,2, Авиасозлар турар жой мавзелари.

**10-ИМ**

2 апрель куни - Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш –2/3,2/4, Тансиқбоев-1,2,3,4, ТошМУ – ТошДТУ, Олимпия, Абу Али ибн Сино-1,2, Белтепа мавзелари.

Қуйида келтирилган иссиқлик манбалари таъсир доирасида 2010 йил 22 мартдан 26 мартгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда иссиқлик тармоқларида юқори ҳароратга синовлар ўтказилади. 2 апрелдан 22 апрелгача бўлган муддатда иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сувдан чегараламаган ҳолда синовлар ўтказилади.

**1-ИМ** (М-1,4)

9 апрель куни - Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Кичик Ҳалқа йўли, И.Мўминов, Дўрмон йўли, Шахриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Паркент, Боғишамол кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, "Тошқишлоқмаш", Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 турар жой мавзелари, ТошГРЭС қўрғони, Ҳамид Олимжон майдони.

**2-ИМ**

14 апрель куни - Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш.Бурҳонов, Р.Ҳамроев, А.Убайдуллахўжаев кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар қўрғони.

**3-ИМ**

22 апрель куни - Навоий, Бунёдкор, Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, А.Хўжаев, Фурқат, Афросиёб, Кичик Ҳалқа йўли,Самарқанд Дарвоза, Абай кўчалари, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч, М-10,14,11; М-26, 27, 28, Б-1,Б-2,Б-3, Қорақамиш 2/1,2/2 турар жой мавзелари.

**4-ИМ** (М-0,1)

7 апрель куни - Амир Темур шоҳ кўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Бодомзор йўли, Кичик Ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Н.Ҳасанов, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий, М.Шамсутдинов, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Шайхонтоҳур, А.Ҳидоятов, Мингўрик кўчалари, М-1,5,6,12,13,15,М17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4,2/1,2/2,2/5 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

**4-ИМ** (М-4,8)

5 апрель куни - Амир Темур шоҳ кўчаси, Юнусобод мавзеси 1ё19 даҳалар, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари.

**5-ИМ**

8 апрель куни - Чилонзор мавзеси 5—12, М, Г9а, 16—20А, 26 даҳалар, Дўмбиробод, Оқтепа, Қизил Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий-1,2 мавзелари, Заргарлик, Муқимий, Фарҳод, Чўпонота, С.Мираҳмедов, Кичик Ҳалқа йўли, Наққошлик, Новза Қозиробод, Катта Хирмонтепа кўчалари.

**6-ИМ** 22 март

2 апрель кунлари - Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлиқ, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлиқ - 1—7 турар жой мавзелари, Қўйлиқ-айланма йўл.

**7-ИМ**

24 март, 6 апрель кунлари - Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Слоним, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Оҳангарон шоссеси, Тузел - 1,2,3,4, УҚК-1, Слоним-1,2, Авиасозлар турар жой мавзелари.

**8-ИМ**

24 март, 19 апрель кунлари - Сергели 1—8А, Йўлдош-8,15,16,17, Дўстлик – 1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, Меҳригиё, А.Ахматова, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

**9-ИМ**

22 март, 6 апрель кунлари - Чилонзор мавзеси, 13—15, 15А, 21—24, 30,31 даҳалар, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий – 1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Тақачи, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа кўчалари, Фозилтепа 2-тор кўчаси.

**10-ИМ**

25 март, 15 апрель кунлари - Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш – 2/3,2/4, Тансиқбоев-1,2,3,4, ТошМУ – ТошДТУ, Олимпия, Абу Али ибн Сино-1,2, Белтепа мавзелари.

**ИЭМ** (М-0)

16 апрель куни - Навоий, Рашидов, Бобур, Усмон Носир, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, М-7,Чилонзор турар жой мавзелари 1,2,3,4,5,Е,И даҳалари.

**ИЭМ** (М-5,8)

12 апрель куни - Амир Темур шоҳ кўчаси, Бобур, Глинка, Афросиёб, С.Толипов, Я.Ғуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиқлол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Мустафо Камол Отатурк, Кичик Ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5 турар жой мавзелари.

**"Водник" қозонхонаси**

23 март, 7 апрель кунлари - Сувсоз турар жой мавзеси ҳудуди, Ҳусайн Бойқаро кўчаси.

**"ТТЗ" қозонхонаси**

8 апрель куни - ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий турар жой мавзелари ҳудуди, Аҳиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Юзробот кўчалари.

**"Саноатэнерго" қозонхонаси**

26 март, 5 апрель кунлари – Қурувчилар турар жой мавзеси.

**"Саноатэнерго" қозонхонаси** таъсир доирасида 5 апрель куни иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёт бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Қуйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ режали баҳорги тўхтатиш мўлжалланмоқда.

1-ИМ – "Шимолий-Шарқий" - 12 дан 16 апрелгача

2-ИМ – "Қорасув" - 5 дан 9 апрелгача

3-ИМ – "Ғарбий" - 26 дан 30 апрелгача

4-ИМ – "Шимолий" - 12 дан 16 апрелгача

5-ИМ – "Чилонзор" - 19 дан 23 апрелгача

6-ИМ – "Жанубий-Шарқий" -19 дан 23 апрелгача

7-ИМ – "Авиасозлар" - 19 дан 23 апрелгача

8-ИМ – "Сергели" - 26 дан 30 апрелгача

"Водник" қозонхонаси - 29 мартдан 2 апрелгача

"ТТЗ" - 19 дан 23 апрелгача

"Саноатэнерго" - 13 дан 15 апрелгача

Қозонхоналар тўхтаган пайтда иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишлари таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошкент Давлат цирки

*2010 йил*
*6 мартдан бошлаб*



**СИЗ УЧУН, БОЛАЖОНЛАР!**

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН БАҲОРГИ КАТТА ДАСТУР**

***Дастурда «Ўзбекистон йигитлари» жамоаси артистлари, шунингдек маймунчалар, пакана отлар, ламалар, эчкичалар, кабутарлар, кучуклар қатнашади.***

**ТОМОШАЛАР** иш кунлари — 11.00, 14.00, шанба ва якшанба кунлари 12.00, 15.00 да бошланади.



**Чипталар цирк кассаларида ва туманлардаги кассирлар томонидан сотилмоқда.**

***Пул турлича шаклда тўланиши мумкин.***
***Касса соат 9.00 дан ишлайди.***
***Маълумотлар учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.***


Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг 12.03.2010 йилдаги 59-шт-Н-сонли буйруғига асосан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муборак Худайбергановна Ишметованинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 2010 йил 12 март кунидан тикланди.

2009 йил 2 ноябрда давлат рўйхатидан ўтказилган «Арда Турон Бизнес» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган № 005125-04-сонли гувоҳнома, муҳр ва штамп йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.**

**Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.**

**Факс: (3712) 233-21-56.**

**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.**

# НАВРЎЗ — БИРДАМЛИК БАЙРАМИ




**Ҳақиқатан, Наврўз — бирдамлик, нафосат, меҳр-мурувват ва саховатга йўғрилган байрамдир. Айни кунларда она диёримизнинг барча гўшаларида Наврўз шодиёналари кенг нишонланмоқда. Каттаю кичикнинг қалбида чексиз қувонч, байрамона кайфият.**



Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Баркамол авлод йили ҳамда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан «Наврўз — бирдамлик байрами» мавзуидаги бадиий-мусиқали тадбир ҳам ўзгача кўтаринки руҳда ўтди. Маънавият тарғибот маркази, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, «Камолот» ЁИҲ, Ўқувчилар ижодиёти маркази Мирзо Улуғбек туман бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу байрамга асосан ёшлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф этилди. Байрам тадбирида Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олим сўзга чиқиб, миллий қадриятларимиз гултожи бўлган Наврўзнинг тарихи, моҳияти хусусида гапирди.

Тадбирда баҳор фаслининг турли хил миллий таомлари кўргазмалари намойиши ҳамда спорт мусобақалари ҳам ўтказилди.

— Соғиниб кутган Наврўзни шодиёна тарзда нишонлаш, ёшларимизда миллий қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш мақсадида уюштирилган байрам тадбири барчада унутилмас таассурот қолдириши, шубҳасиз. Ёшларимиз Наврўз эзгулик, меҳр-мурувват ва саховат ҳамда бирдамликка йўғрилган шодиёна, миллий қадриятларимизни улуғловчи байрам эканлигидан бохабар бўлдилар, — деди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Дилафрўз Жуманиёзова.

Кўтаринки руҳда ўтган мазкур байрам тадбирида янграган Наврўзни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, гўзал рақслар барчага хуш кайфият улашди.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар.**

**Динара Чиркова олган суратлар**


O'ZSANOATQURILISHBANK

"Ўзсаноатқурилишбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки

Барча юртдошларимизни НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий табриклайди ва промо-акцияда иштирок этишга таклиф қилади.

ПРОМО-АКЦИЯ !

ФАҚАТ 15 МАРТДАН 15 АПРЕЛГАЧА "ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК"ДАН УНУТИЛМАС БАҲОРИЙ СОВҒАЛАР!

Ўзсаноатқурилишбанк VISA пластик карточкаларидан фойдаланинг ва 2010 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланмани ютиб олинг!




Акция шартлари:

- "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг VISA карточкалари эгалари ҳамда акция мобайнида пластик карточка очтирган барча юртдошларимиз промо-акция иштирокчилари ҳисобланишади.
- Бош мукофот - 2010 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланма учун ўйинда 250 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда 10 та транзакцияни амалга оширган жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.
- Қолган совринлар эса 200 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда 5 та транзакцияни амалга оширган жисмоний шахслар ўртасида ўйналади.

Шунингдек Сиз қуйидаги СОВРИНЛАР эгаси бўлишингиз мумкин!



ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!

Қўшимча маълумотларни www.uzpsb.uz сайтидан ва 120-45-42 телефони орқали олишингиз мумкин.


# БАҲОРИЙ ҚУВВАТБАХШ ТАОМЛАР

**Баҳорий кўкатлардан тайёрланадиган қувватбахш таомлар ўзининг фақат тансиқлиги ва татимлилиги билан ажралиб турмасдан, балки мазкур паллада шифобахш омилларга нисбатан қақраб турган аъзоларга эмлик қилади.**

## ЯЛПИЗЛИ КЎНГИЛОЧАР ҚАЙЛА

Покиза ерлардан терилган сарҳил ялпизни майдалаб, ундан 3 ош қошиқ миқдорида олиниб, 2 ош қошиқ шакар, 1 ош қошиқ сирка, 3-4 ош қошиғида сув қўшилиб, чамаси 2 соат муддатга қайнатилади. Ҳосил бўлган қайла гўштли ҳамда балиқли таомларга қўшилиб дастурхонга тортилади. Ушбу таом иштаҳага барака беради, қувватбахш таъсир кўрсатади, кўнгил озишига хотима беради, юракнинг ҳаприқишига йўл қўймайди.

## ҚЎЗИҚУЛОҚЛИ ТАОМ

Майда тўғралган пиёз ўсимлик мойида озгина қовурилиб, унга ун қўшиб сув билан суюлтирилади. Сўнгра қўзиқулоқ (шовул)га қайноқ сув билан ишлов берилиб, майдаланган ҳолда қўшилади. Кейин енгил аланга устида қайнатилади, таъбга қараб туз солинади, таом етилиши арафасида лимон шарбати қуйилади. Тайёр бўлган маҳсулотнинг устига ошкўклар — петрушка ва шивит сепилади.

Таомнома: 500 грамм қўзиқулоқ, 4 ош қошиқ ўсимлик мойи, 2 ош қошиқ ун, 1 ош қошиқ томат, 2 дона миёна бош пиёз, 1 дона лимон шарбати, таъбга қараб туз солинади.

Мазкур кўкатли таом хафақон дардига даволик қилади, бош гангишига хотима беради.

## КРАФШЛИ ҚУЙМОҚ

Сархил тухумни сут билан обдон ийдирилади. Унга янги крафш (петрушка) кўкати майда қилиб тўғралган ҳолда қўшилиб, қизиб турган товадаги ёғда қуймоқ тайёрланади.

Таомнома: 1 стакан сут, 4 дона тухум, 2 ош қошиқ майдаланган крафш, 2 ош қошиқ ун ва таъбга қараб туз солинади.

Тайёрланадиган қуймоқ хушхўр ва лаззатли бўлиши билан бирга, томоқ безларининг яллиғланишига маълум даражада даволик қилади. Маълумотларга қараганда бундай таом аёлларни кўкрак бези ўсмасидан муҳофаза қилади, киши умрига барака беради.

## КЎКАТЛИ ЭЗИЛМА

Қўзиқулоқнинг мурғак кўкатларидан қирқиб олиб, уни яхшилаб ювилади-да, бироз тузли сувда бир неча дақиқага қайнатиб олинади. Кўкатни сувдан ажратиб, майдалаб тўғралади. Олдиндан тайёрлаб қўйилган қайла, яъни қуруқ ун, сариёғ, оз миқдорда сут солиниб аралаштирилади ва қолган сут қуйилиб, қуюқлашгунча қайнатиб кўкат қўшилади.

Тайёр бўлган эзилмага сметана билан зеб берилиб дастурхонга тортилади.

Таомнома: 500 грамм қўзиқулоқ, 6 ош қошиқ сариёғ, 2 ош қошиқ ун, 1 ош қошиқ сметана, таъбга қараб туз солинади.

Мазкур кўкатли таом аёл ва эркакларда содир бўладиган климакс ҳолатида нохуш дардни енгиллаштиради, иштаҳани очади, киши аъзоларига қувватбахш таъсир кўрсатади.

## ИСМАЛОҚ-ТУХУМЛИ ЯЙРАТМА

Баҳорий исмалоқ барглари олиниб, тозалаб ювилади-да, майдалаб бироз намакобли сувда қайнатилгач, човли орқали сувдан холи этилади. Маҳсулот ёғли товада қовурилади. Сутга қўшиб ийдирилган тухум солиниб, духовкада пиширилади.

Таомнома: 600 грамм исмалоқ, 3-4 дона тухум, стаканнинг тўртдан уч қисмида сут, 2 ош қошиқ миқдорида ёғ, таъбга қараб туз солинади.

Исмалоқли таом айни баҳор ойларида қувват бағишловчи (таркибида фолат пантотен кислотаси, салмоқли миқдорда қон яратувчи темир, фосфор, кальций, магний, йод ва дармондорилар дастасини сақлайди) бўлиб, бўқоқ, авитаминоз билан оғриганларга фойдали манба ҳисобланади.

**Доно ХЎЖАЕВА, олий тоифали доришунос**

## Спорт

# ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**«Жар» спорт мажмуасида шотакан каратэ-до бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.**

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Шотакан каратэ-до федерацияси ҳамкорликларида ташкил этилган мазкур мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 800 дан ортиқ ёшлар татамида ўз кучларини синовдан ўтказишди.

Уч кун давом этган баҳслар якунида Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилояти спортчилари совринли ўринларни қўлга киритишди. Айниқса, яккалик баҳслари муросасиз курашлар остида кечди. Унда Зумрад Тазетдинова ва Дониёр Усмоновга тенг келадиган рақиблар топилмади. Ёдингизда бўлса, ўтган йили Японияда шотакан каратэ-до бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатининг яккалик баҳсларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган ушбу икки спортчи жаҳон чемпионлигини қўлга киритишган эди. Шунингдек, Ўзбекистон чемпионатининг яккалик кумитэ мусобақасида ғолиблик учун астойдил кураш олиб борган Наби Нуриддинов, Ойбек Ғофуров, Анвар Рўзиев, Азиз Мирабдуллаев, Иброҳим Айназаров, Дониёр Усмоновлар ҳакамлар ҳайъати эътирофига кўра биринчи ўринга лойиқ деб топилишди ва Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлишди.

Энди ғолибликни қўлга киритган спортчиларимиз жорий йилда Кипрда бўладиган Европа очиқ чемпионати, АҚШда уюштириладиган жаҳон чемпионати ҳамда Венесуэлада ташкиллаштириладиган жаҳон кубогида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Қатралар

### НИЯТ

Ҳовлига кирган боғбон кичик ариқ бўйидаги сада, ош-райҳонлар қаторига «экилган» оппоқ гулли ўрик шохини кўриб анг-танг бўлиб қолди.

— Ё тавба, қандай бетамизлик бу, — боғбоннинг жаҳли чиққаниданми, бу манзара кўзига хунук кўриниб кетди, сўнг кичик ўғлини чақириб деди:

— Ўрик шохини синдириб экканинг нимаси, гулларини кўр. Ҳосил тугаман, деб турганда увол қилибсан.

— Ахир мен...

Шаҳардан меҳмонга келган жувон хушёр тортиб, унга пешвоз чиқди.

— Буважониси, Элдорда нима айб...Мана бу «билимдон» неварангизни уришинг. «Анави ўрик шохидан олиб беринг. Роса гуллабди», деб тоза хархаша қилса бўладими. Олиб бердим. Дарҳол ерга экиб, севинчи ичига сиғмай кетди бола бечоранинг.

— Ширинтойим-ей, — деди боғбон неварасини қизининг бағридан олиб, юзларидан ўпаркан. — Ўзингга ўхшаб ҳаракатинг ҳам қизиқ, ҳам ёқимли.

### БОР БЎЛСИН МЕҲР

Баҳорнинг юз ишва ёқимли нафасидан меҳнат аҳлининг кўнглида ширин туйғу, орзулар уйғонади.

Боғбон боғ оралайди. Баравж ўсаётган ниҳолни кўрса, чеҳрасига табассум, ланжроғини кўрса, юзига ҳорғинлик — ажин югуради. «Нега ланж экан, саёзроқ чуқурга экилган бўлса, илдизи зарангга тегиб лат едимикин?» дея бўзлатиб қўймайди фарзанд ниҳолини. Қайноқ меҳридан энди ниҳол танасида сувлар югурик. Куртаклари тезлаб бўртади.

Яхшиям боғбон меҳри бор, дейман боғлар чиройидан баҳра олиб. Бўлмаса баҳор ўз чиройини қайдан оларди. Не билан кўз-кўз қиларди ҳуснини. Атроф ниҳолсиз, чўлдек ғариб, юпун бўлса, нафасидан чўлникидек ёқимсиз гармсел шамоли эсиб турса, баҳор-баҳорлигини қилармиди? Ўша меҳр борки, баҳор чеҳрасида табассум, кулги бор. Юрт дастурхонида файзу барака. Табиат бор, соғлиқ бор.

### ДАЛА ГАШТИ

Даланинг гашти бор, дейишади. «Бундай далага юринг, демайсиз», гинахонлик қилди бир танишим.

Хаёлида даланинг гаштини қизғанаяпман, шекилли.

Олиб бормаган номард, гинасидан қутулишга аҳд қилдим.

Далага етдик. Ҳамроҳимга: «Ихтиёр ўзингизда. Экинларни кўрасизми ёки салқинлайсизми, пешингача экинни бароф қилмасам бўлмайди. Акс ҳолда нами қочса, сув камоб, суғориш қийин», дедим.

Ниҳоллар парваришимдан дуркунлаб, бўй-бўйлашади. Яйрагани — менинг яйраганим. Ҳосили юрт дастурхонига эш бўлади, деб қувонаман.

Шеригимга эса тол соясигина ёқиб қолган: «Мана роҳат, мана гашт, чопиғингдан нима ҳузур менга», дея тўнғиллагани қулоғимга чалинса ҳам, билмасга оламан, кўнглига олмасин дейман.

Ўғлим уйдан тушликка ош олиб келди.

Дастурхончани ошнамнинг олдига ёзиб, ошни қўйдим:

— Қани, марҳамат.

— Тўйда еган ошим шундоқ турибди-ёв, — кафти билан қорнини ишқайди ошнам ва истар-истамас ошни ейди.

— Меники аллақачон тилкапора бўлиб кетган, — дея ошни иштаҳа билан едим. Овқат танамга соғлик, қувват бахш этади. Унга-чи?!

— Кетақолай, ланж бўляпман, — дейди у йўлга отланаркан.

Меҳнат билан экинларимнинг авжини кўриб завқлансам, дилим равшан тортса, шунинг ўзи гашт эмасми? Сўнг хотиржам тол соясида дам олишга не етсин. Ошнам йўл-йўлакай ўйлаб, зора буни дилидан ҳис этса!

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4721 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5